

XALQ TABOBATI PLUS

илмий, амалий, ижтимоий, тиббий, маърифий журнал

Муассис ва ахборот ҳамкорлар

- Ўзбекистон тиббий-илмий фолият билан шуғулланувчилар Табобат Академияси
- «Табобат Академияси» нодавлат таълим муассасаси
- «Xalq tabobati plus» МЧЖ

ТАХРИРИЯТ

Иброҳимжон АСҚАРОВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор

Қамолитдин ҒОПИРОВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси бош илмий котиби, Ўзбекистон қахрамони, доцент

Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиги, бош давлат санитария врачлари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ҳабибулло АКИЛОВ,

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жамшид МИРРАҲИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг Халқ табobati илмий амалий маркази раҳбари

Неъматжон МАМАСОЛИЕВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси ҳақиқий аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдуҳамид МАҲСУМОВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, кимё фанлари доктори, профессор

Зокиржон МАШРАБОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор

Нодирбек АСҚАРОВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси раисининг биринчи ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор

Рустам ҲАМДАМОВ,

техника фанлари доктори, профессор

Рустамжон НУРИДДИНОВ,

кимё фанлари доктори, профессор

Анваржон ГАФАРОВ,

тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Нурали МУҲАММАДИЕВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси ҳақиқий аъзоси, кимё фанлари доктори, профессор

Миржалол МЎМИНЖОНОВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси раиси ўринбосари, кимё фанлари доктори

Шокиржон ҚОДИРОВ,

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Иброҳимжон ИСМОИЛОВ,

тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Улугбек ВАЛИХОНОВ,

олий тоифали шифокор

Холиқжон СУЛАЙМОНОВ,

биология фанлари номзоди, доцент

Абдуқодир САТТАРОВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси аъзоси, олий тоифали шифокор

Обиджон АБДУЛЛАЕВ,

нодавлат Табобат Академияси таълим муассасаси директори, кимё фанлари бўйича фалсафа доктори

Лойиҳа муаллифи

Рустам САФОЕВ,

Ўзбекистон Табобат Академияси аъзоси

Бош муҳаррир

Шукур ЖАББОВ

Саҳифаловчи

Мадинабону АБДУКАРИМОВА

МУНДАРИЖА

Самарқандда ўтказилган «Абу Али ибн Сино ва Буюк Ипак Йули» I Халқаро илмий-амалий конференцияси тўғрисида.....2

“Товарлар кимёси ҳамда халқ табobati муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги IX-халқаро илмий-амалий конференцияси тўғрисида.....3

Ж.А. Миррахимов, И.Р. Асқаров

Қамқонлик касаллигининг турлари ва уларни халқ табobati усуллари билан даволаш.....4

Ш.И. Салихов, А.С. Тураев, А.Х. Исломов, О.О. Гайбуллаева

Қора андиз ўсимлиги илдизи таркибидаги минерал элементларининг миқдорини аниқлаш ва уларни халқ табobatiда қўллаш.....7

А. Ўринбоев, М. Шаробиддинова

Махсус “кўча кумли сауна” ёрдамида тиббиётда ва табobatiда касалликларни даволаш ва олдини олиш.....11

И.Р. Асқаров, М.М. Мўминжонов, Н.Б. Атакулова

Тарвуз пўстлогининг кимёий таркиби ва шифобахш хусусиятлари.....13

А.С. Ғофуров, И.Р. Асқаров, Ш.М. Қирғизов

Зайтунмойининг шифобахш хусусиятлари.....15

Л.Р. Ражадбова

Контрафакт ва фальсификация қилинган дори воситаларининг индентификациялаш усуллари.....17

М.М. Боқиев, И.Р. Асқаров

Қандил диабет касаллигини даволашда айрим синтетик дорилар ва табиий воситаларни ўрни.....21

Е.А. Харибова, Д.И. Ходжаева

Сут беги саратони билан даволанган беморларнинг реабилитациясига замонавий ёндашув.....23

З.Қ. Ахмедова, И.Р. Асқаров, Ш.М. Қирғизов

Андиз ўсимлигининг кимёий таркиби ва тиббиётда қўлланилиши.....25

А.Х. Исломов, М.А. Хушвақова, А.С. Ишмуратова, А.А. Хушвақтов

Анжир меваси таркибидаги минерал элементлар ва уларни халқ табobatiда қўллаш.....29

Н.О. Назарова, А.А. Жаббаров,

Люпус нефрит ривожланишида липид спектрининг роли.....33

А.Х. Исломов, И.Р. Асқаров, А.С. Тураев, Ш.А. Матамирова

Lagochilus inebrians ўсимлигидан олинган қон тўхтатувчи дориларларни халқ табobatiда қўлланилиши.....35

Ш.И. Наврўзова, А.Ў. Солиев

Артериал гипертония билан оғриган аёлларда ўсиш ва зарарланиш омиллари.....37

Д.Х. Мадазимова, А.А. Жаббаров

Covid 19 ўтказган сурункали буйрак касаллиги бор беморларда буйракларнинг функционал ҳолатини баҳолаш.....41

С.Д. Мадрахимова, Б.Я. Матмуратов, А.Д. Матчанов

CYDONIA OBLONGA MILLER меваси ва вегетатив органларидаги умумий оксилмикдорини аниқлаш.....43

М.Б. Нураддинова, А.Х. Хайтбаев

Ўзбекистон республикасининг турли ҳудудларида ўсувчи EUPHORBIA MILII ўсимлиги ер устки қисмидаги вегетатив органларидаги витаминларнинг қиёсий анализи.....45

Профессор И.Р. Асқаровнинг парҳез муолажаларидан тавсиялар: хавфли ўсма касалликларни учун.....48

Тахририятнинг розилиги билан «Xalq tabobati plus» журналида эълон қилинган материаллар кўчириб босишга ижозат этилади. Муаллифлар томонидан берилган мақола ва материаллар учун тахририят жавобгар эмас. Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 27-августда 1035-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Нархи келишув асосида.

Мақолалар ўзбек, рус, инглиз тилларида тайёрланади.

Босишга 14.10.2022 й.да рухсат берилди. Офсет босма усулида чоп этилди. Бичими 60x84 1/8. Қоғоз ҳажми 5,5 босма табоқ, Адади 900. Буюртма №.....

ХК «GUANGZHOU TRADING COMPANY» босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани 47А дом.

Тахририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (371) 241-18-63

ОБУНА ИНДЕКСИ - 1358



COVID 19 ЎТКАЗГАН СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИГИ БОР БЕМОРЛАРДА БУЙРАКЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ

ОЦЕНКА ФУНКЦИОНАЛЬНОГО СОСТОЯНИЯ ПОЧЕК У ПАЦИЕНТОВ С ХРОНИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ ПОЧЕК, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19

ASSESSMENT OF THE FUNCTIONAL STATE OF THE KIDNEYS IN PATIENTS WITH CHRONIC KIDNEY DISEASE WHO UNDERWENT COVID-19

Д.Х. Мадазимова, А.А. Жаббаров

Факультет ва госпитал терапия кафедраси, Тошкент Тиббиёт Академияси

Аннотация: Тадқиқот ишида лаборатор кўрсаткичлардан (қондаги мочевино ва креатинин, КФТ) фойдаланилган ҳолда COVID-19 инфекциясини ўтказган сурункали буйрак касаллиги бор беморларнинг буйраклар функционал ҳолати баҳоланди.

Калит сўзлар: COVID-19, сурункали буйрак касаллиги, мочевино, креатинин, КФТ.

Аннотация: В ходе исследования оценивалось функциональное состояние почек пациентов с хронической болезнью почек, перенесших COVID-19, с использованием лабораторных показателей (мочевина и креатинин в крови, СКФ).

Ключевые слова: COVID 19, хроническая болезнь почек, мочевино, креатинин, СКФ.

Annotation: The study assessed the functional state of the kidneys of patients with chronic kidney disease who had undergone COVID-19 using laboratory parameters (urea and creatinine in the blood, GFR).

Keywords: COVID-19, chronic kidney disease, urea, creatinine, GFR.

COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларда сурункали буйрак касаллигининг авж олиши коронавирус инфекциясининг энг кўп учрайдиган асоратларидан ҳисобланади. Адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилганда шуни кўриш мумкинки, COVID-19 инфекцияси билан шифохонага ётқизилган беморларнинг 20-30 % да буйраклар зарарланиши кузатилди, интенсив терапия бўлимидаги беморларнинг 50% да эса сурункали буйрак

касаллиги авж олиши кузатилган[2].

COVID-19 инфекциясида буйраклар функциясини текшириш натижалари кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлигини намоён қилди. SARS-CoV-2 инфекцияси билан касалланган беморларнинг 1,6% (752 тадан 12 тасида) [3] креатинин даражасини ортиши, 5,1% ҳолатларда (701 тадан 36 тасида) [4]СБК авж олиши ёки 116 та беморларда буйрак етишмовчилигисиз ўтиб кетувчи азотемия [5] кузатил-

ганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бошқа тадқиқотда эса, 31%(60/193) беморлар қон плазмасида мочевино даражаси ошганлигини, 22% беморда(43/193) зардобдаги креатинин даражаси ортанлигини кўриш мумкин.

Айрим тадқиқотлар, SARS-CoV-2 инфекциясини ўтказган беморларнинг пешоб чўкмасида протеинурия ва гематурия каби ўзгаришлар ва бошқа пешоб синдромларини аниқлади. COVID-19 билан боғлиқ буйрак функциясининг зарарланиши патофизиологияси носпецифик механизмлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бироқ айрим текширувларда, вирусни буйраклардаги ангиотензин айлантурувчи фермент 2(ААФ2) рецепторлари орқали ўтиши натижасида ҳужайраларни бевосита зарарланиши, мувозанатлашмаган ренин-ангиотензин-альдостерон тизими, вируслар келтириб чиқарган цитокинлар ва тромботик ҳолатлар каби COVID специфик механизмлар билан ҳам боғлиқлигини кўрсатган.

Мақсад: COVID-19 инфекциясини ўтказган сурункали буйрак касаллиги бор беморларда буйраклар функционал ҳолатини баҳолаш.

Материал ва методлари: 2020 –2021 йилларда Тошкент Тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасига стационар ва амбулатор

нефрология, эндокринология бўлимларида даволанган 120 нафар COVID-19 инфекциясини ўтказган сурункали буйрак касаллиги бор беморлар гуруҳи олинган. Беморлар икки гуруҳга бўлинди -1 гуруҳда (n=20) – COVID-19 инфекциясини ўтказмаган сурункали буйрак касаллиги (СБК) билан касалланган беморлар; 2 гуруҳда (n =20) – COVID-19 инфекциясини ўтказган сурункали буйрак касаллиги (СБК) билан касалланган бемор-

лар. COVID-19 инфекциясини ўтказган сурункали буйрак касаллиги бор беморларнинг кон плазмасидаги креатинин ва мочевина текширилган. Тадқиқот гуруҳларига креатинин бўйича КФТ 30-89 мл/мин/м² бўлган беморлар киритилди. КФТ зардобдаги креатинин миқдори бўйича 2011 йили модификация қилинган СКД-ЕРІ (2009) формуласи ёрдамида ҳисоблаб чиқилди.

Натижалар: Тадқиқотнинг дастлабки биринчи ойида 1 – гуруҳ беморларнинг КФТ си

ўртача 48,2±1,23 мл/мин.ни ташкил қилган эди. КФТ ошиши динамикаси тадқиқотнинг учинчи ойигача кузатилди ва 51,8±1,9 мл/мин.ни (P<0,05) ташкил қилди. Биринчи гуруҳимиздаги коронавирус инфекцияси билан касалланмаган СБК бор беморларда нефропротектор дори воситалари билан даволаш давомида буйракларнинг функционал ҳолатини белгиловчи кўрсаткичлар ишончли даражада яхшиланиши кузатилди.

1-жадвал

Кўрсаткичлар	1 гуруҳ (n-70)		2 гуруҳ (n-50)	
	1 ойдан сўнг	3 ойдан сўнг	1 ойдан сўнг	3 ойдан сўнг
Мочевина ммоль/л	9,2±0,3*	8,1±0,22*	10,3±0,33*	12,4±1,92**
Креатини Мкмоль/л	150,7±3,9*	145,6±3,6*	145±2,25*	138,1±1,0**
КФТ Мл/мин	48,2±1,23*	51,8±1,9*	47,6±1,5*	44±1,39**

Изоҳ: * - ишончлилик даражаси (p<0.05), ** - ишончлилик даражаси (p<0.01).

2-гуруҳ беморларида коронавирус инфекциясини ўтказгандан кейинги биринчи 30 кундан сўнг КФТ ўртача 47,6±1,5 мл/мин.ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич 3 ойдан сўнг 44±1,39 мл/мин.ни (P<0,01) ташкил қилди. Ушбу гуруҳ беморларда буйракларнинг функционал ҳолатини белгиловчи кўрсаткичлар 1 гуруҳга нисбатан ёмонлашгани кузатилди.

Хулоса. Демак, коронавирус инфекциясини ўтказган СБК бор беморларда коронавирус инфекциясини ўтказмаган СБК бор беморларга қараганда буйракларнинг функционал ҳолатини ёмонлашиши жуда юқори фоизларни ташкил қилади ва бу одатда даволашда нефропротекциянинг аҳамиятини оширади.

COVID-19 инфекция-

сининг патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда, госпитализация вақтида илк бор СБК аниқланган беморлар COVID-19 инфекциясининг ўрта оғир ва оғир шаклларида хавф омили бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун коронавирус инфекциясини ўтказган барча беморларда мочевина, креатинин КФТ даражасини текшириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Oyelade, T. Prognosis of COVID-19 in Patients with Liver and Kidney Diseases: An Early Systematic Review and MetaAnalysis / T. Oyelade, J. Alqahtani, G. Canciani // Trop. Med. Infect. Dis. – 2020 May. – Vol. 5, N. 2. – P. 80.
- COVID-19-associated acute kidney injury: consensus report of the 25th Acute Disease Quality Initiative (ADQI) Workgroup / M. K. Nadim [et al.] // Nat. Rev. Nephrol. – 2020 Dec. – Vol. 16. – P. 747–764.
- Guan W, Ni Z, Hu Y, Liang W, Ou C-quan, He J-xing, et al. Clinical characteristics of 2019 novel coronavirus infection in China. MedRxiv: the preprint server for health sciences. 2020 Feb. doi: 10.1101/2020.02.06.20020974
- Cheng Y, Luo R, Wang K, Zhang M, Wang Z, Dong L, et al. Kidney disease is associated with in-hospital death of patients with COVID-19. Kidney Int. 2020 May;97(5):829-838. doi: 10.1016/j.kint.2020.03.005
- Wang L, Li X, Chen H, Yan S, Li D, Li Y, et al. Coronavirus disease 19 infection does not result in acute kidney injury: an analysis of 116 hospitalized patients from Wuhan, China. Am J Nephrol. 2020;51(5):343-348. doi: 10.1159/000507471
- International Society of Nephrology (ISN) [Electronic resource]. – Mode of access: <https://www.theisn.org/covid-19>. – Date of access: 22.01.2021.
- Presenting Characteristics, Comorbidities, and Outcomes Among 5700 Patients Hospitalized With COVID-19 in the New York City Area / S. Richardson [et al.] // JAMA. – 2020 May. – Vol. 323, N 20. – P. 2052–2059.
- Acute kidney injury in SARS-CoV-2 infected patients / V. Fanelli [et al.] // Crit. Care. – 2020 Apr. – Vol. 24, N 1. – P. 155.
- Rabb, H. Kidney diseases in the time of COVID-19: major challenges to patient care / H. Rabb // J. Clin. Invest. – 2020 Jun. – Vol. 130, N 6. – P. 2749–2751.
- Tissue distribution of ACE2 protein, the functional receptor for SARS coronavirus. A first step in understanding SARS pathogenesis / I. Hamming [et al.] // J. Pathol. – 2004 Jun. – Vol. 203, N 2. – P. 631–637.